*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 74 (9570). • 1989 йил 18 апрель • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

*СССР Олий Советиi Президиумининг*

*Фармони*

## СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг 1988 йил 1 декабрда қабул қилган «СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

СССР халқ депутатлари съезди 1989 йил 25 майда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. ГОРБАЧЕВ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1989 йил 14 апрель.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1989 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!
2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Социализмни революцион янгилашнинг ғоявий негизи — марксча-ленинча таълимот яшайверсин ва ривожланаверсин!
4. Яшасин қайта қуришнинг ташаббускори ва кафили бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!
5. Коммунистлар! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг новаторлик ғояларини конкрет ишларда амалга оширингиз!
6. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари— Советлар!
7. Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, гуллабяшнайверсин!
8. СССР халқлари! Социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги анъаналарини авайлаб асрангиз ва ривожлантираверингиз! Миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қатъий зарба бераверингиз!
9. Яшасин жамиятимизнинг етакчи кучи — ишчилар синфи!
10. Қишлоқ меҳнатчилари! КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларини амалга оширинг! Социалистик мулкчиликнинг турли шакллари ва хўжалик юритишнинг хилма-хил турлари негизида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилайверингиз!
11. Совет олимлари, маданият ва санъат арбоблари! Қайта қуришнинг интеллектуал имкониятини ошираверингиз! Социализмнинг маънавий қадриятларини асраб, кўпайтираверингиз!
12. Совет хотин-қизлари! Ҳар куни оила фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиб, меҳнат ва жамоат ишларида, тинчлик учун курашда фаол қатнашингиз!
13. Комсомоллар, йигит ва қизлар! Билимларни, меҳнат ва ижтимоий фаолият кўникмаларини сабот билан эгаллайверингиз! Қайта қуришда фаол қатнашингиз!
14. Совет касаба союзлари! Меҳнатни юксак даражада ташкил этиш учун, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун курашингиз! Социал адолатни қарор топтираверингиз, меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилаверингиз!
15. Партия, уруш ва меҳнат ветеранларига алангали салом!
16. ССР Иттифоқи гражданлари! Халқ манфаатлари ва социализмни янгилаш манфаатлари йўлида қайта қуришда жамоатчилик ташаббуси ва активлигини ривожлантираверингиз!
17. Совет жангчилари! Жанговар уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлангиз! Армия ва Флотда қайта қуришнинг фаол иштирокчилари, совет халқи тинч меҳнатининг ишончли ҳимоячилари бўлингиз!
18. Коммунистик ва ишчи партияларига, чет эллардаги барча демократик кучларга биринчи Май саломи!
19. Социалистик давлатлар халқларининг ҳамдўстлиги мустаҳкамланаверсин!
20. Меҳнат аҳлининг манфаатлари учун, эксплуатацияга, социал ва миллий зулмга қарши мардонавор курашчиларга алангали салом!
21. Европа халқлари! Қитъамизда хавфсизлик ва ҳамкорлик умумий хонадонини барпо этайлик!
22. Ер юзи халқлари! Ядросиз ва зўравонликсиз дунё учун курашингиз! Янгича сиёсий тафаккур негизида жаҳоншумул, умуминсоний муаммоларни ҳал этиш учун куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

## СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 апрель куни Москвада, Союзлар уйида СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. 2 ва 9 апрель кунлари такрорий овоз бериш чоғида СССР халқ депутатлари сайловининг якунлари чиқарилди. Комиссия раиси В. П. Орлов ушбу масала юзасидан ахборот берди.

Марказий сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, территориал округларда такрорий овоз бериш чоғида сайланган 46 халқ депутатини ва миллий-территориал округларда сайланган 30 халқ депутатини рўйхатга олди.

Такрорий овоз бериш чоғида СССР халқ депутатлари сайловининг натижалари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссияси айрим округ сайлов комиссияларининг илтимосларини эътиборга олиб, 1989 йилнинг 14 майига белгиланган такрорий сайлов чоғида СССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш муддатини 21 апрелгача узайтирди.

Комиссия мажлисида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили қатнашдилар.

(ТАСС).

•

### СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

### 1989 ЙИЛНИНГ 2 ВА 9 АПРЕЛЬ КУНЛАРИДА ҚАЙТА ОВОЗ БЕРИШ ЧОҒИДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Округ сайлов комиссияларининг қайта овоз бериш чоғида СССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисида олинган протоколларни кўриб чиққан Марказий сайлов комиссияси хабар қилади:

«СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 60-моддасига мувофиқ 1989 йил 2 ва 9 апрель кунлари 46 та территориал ва 30 та миллий-территориал сайлов округида қайта сайлов ўтказилди. Сайловчилар рўйхатига 13591170 киши киритилган эди. Овоз беришда 10125999 сайловчи ёки уларнинг 74,5 фоизи қатнашди. Қайта овоз бериш натижасида юқорида кўрсатилган округлардан 76 нафар СССР халқ депутати сайланди.

Округ сайлов комиссияларининг ҳар бир территориал ва миллий территориал сайлов округида қайта овоз бериш натижалари тўғрисидаги ахборотлари маҳаллий матбуотда эълон қилинган.

**СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ.**

## ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ўқитувчилари ва студентлари билан учрашди. У республика партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари турмушнинг ҳамма соҳаларидаги қайта қуришнинг кенг миқёсли вазифаларини қандай ҳал этаётганликлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Партия ходимларининг жамоатчилик билан учрашувлари анъанавий тус олди. Бундай учрашувлар одамларни ҳаяжонга солаётган муаммоларни дўстона амалий-вазиятда муҳокама қилиш, республика коммунистлари, меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни қандай қилиб яхшироқ ҳал этиш тўғрисида биргалашиб ўйлашга имкон беради.

КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг қарорлари мамлакатимизни қайта қуришнинг барча жараёнларини идрок этишда янги даражага олиб чиқди, деб таъкидланди учрашувда. Пленум ишлаб чиққан сиёсий йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар аграр масала доирасидан чиқади, улар принципиал умумназарий, умумсиёсий ва умумиқтисодий аҳамиятга моликдир. Гап аграр соҳада ҳам, умуман экономикада ҳам узоқ муддатга мўлжалланган ишларимизни белгилаб берувчи янги ёндашувлар тўғрисида бормоқда.

Қишлоқ хўжалик ходимлари яқинда бўлиб ўтган қурултойда КПСС Марказий Комитети Пленуми якунларини якдиллик билан маъқулладилар, агросаноат комплексини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажариш муаммоларини муҳокама қилдилар.

Бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари сайлови қайта қуришда муҳим босқич бўлди. Сайлов эркин фикрлашиш вазиятида янгича ўтди, демократиямизнинг замиридаги имкониятларни яна бир бор кўрсатди. Сайлов қайта қуриш фойдасига умумхалқ референдуми бўлди, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Республикамизга доир маълумотлар ана шундан далолат бермоқда. 81 та округда 145 номзод рўйхатга олинган эди. Сайловда 9 миллион 446 минг киши — сайловчиларнинг 96 проценти қатнашди, улар 69 депутатни сайладилар. Иттифоқ органлари конференциялари ва пленумларидаги сайлов якунларини ҳам ҳисобга олганда, республикамиздан СССР Олий Советида 96 депутат вакил бўлади. Халқ ишончини қозонган одамлар орасида турли касб кишилари бор. Депутатларнинг 22 проценти ишчилар, 14 проценти колхозчилар, 85 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардир.

Сайлов якунлари батафсил таҳлил этилади, аммо бир нарсани ҳозир қатъий айтиш мумкин: халқ ўзини ҳозир ҳар қачонгидан кўра хўжайин деб ҳис эта бошлади. Бу ҳам қайта қуришнинг энг муҳим натижаси, демократияни ривожлантиришдаги муҳим қадамдир.

Университет ўқитувчилари ва студентлари билан суҳбатда демократиялаш жараёни партия турмушининг барча соҳаларига чуқуррок кириб бораётганлиги таъкидланди. Кадрлар билан ишда демократия асосларини ривожлантириш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Раҳбарлик ишларига янги кишиларни кўтаришда ҳамиша коммунистлар ва партиясизларнинг фикри ҳисобга олинмоқда. Коммунистларнинг ва меҳнат коллективларининг йиғилишларида коммунист раҳбарларнинг ҳисоботи мунтазам қўйилмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, салбий ҳодисаларга қарши кураш қуйидан бўладиган ташаббуснинг рўёбга чиқиши, интизом ва тартибнинг мустаҳкамланиши натижасида баъзи силжишларга эришилди. Туб иқтисодий ислоҳот тадбирлари ўз самараларини бера бошлади. «Б» группаси (истеъмол моллари ишлаб чиқариш) тармоқларини илдам ривожлантириш тенденцияси вужудга келди.

Социал соҳадаги танг аҳволни бартараф этиш учун ноишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ 1985 йилдаги 26,5 процентдан 1988 йилда 30 процентга етказилди. Бу эса уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва шу каби объектларни ишга тушириш йиллик ўртача ҳажмини кўпайтиришга имкон берди.

Шу билан бирга халқ хўжалигида ва социал соҳада вазият мураккаблигича қолмоқда.

Бу масалалар ҳозир жамоатчиликнинг диққат-марказида турибди. Уларни ҳал этишнинг энг самарали йўллари зўр бериб қидирилмоқда. Баҳслар, мунозаралар авж олмоқда. Хилма-хил фикрлар, ғоялар ва таклифлар айтилмоқда. Лекин қайта қуришдан шу дақиқанинг ўзида натижа кутмаслик керак. Ҳар бир жойда келажакни кўзлаб, аниқ, илмий жиҳатдан асосланган истиқболни кўзлаб, қизғин иш олиб бориш лозим.

Учрашувда олий мактабни қайта қуришда университетнинг тутган ўрни муҳимлиги таъкидланди. Ҳозирги вақтда университет мамлакатдаги етакчи 70 та олий ўқув юрти қаторига киради. Унда кўпгина истиқболли илмий йўналишлар вужудга келди, юқори малакали кадрлар дарс бермоқдалар.

Фан, ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнини бир-бирига боғлаш тажрибасини оммалаштирса арзийди. Университет ишлаб чиқаришда ҳамда республика Фанлар академиясининг институтларида кафедраларнинг 22 та филиалини ташкил этди. Бу таълим жараёнини интенсивлаш ва айни вақтда кучларни фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг академия мавзуларига жалб этиш, академиянинг тегишли бўлимлари билан бу ишларни мувофиқлаштириш имконини беради. Саноат корхоналари ва тармоқлари билан бевосита узоқ муддатли шартнома тузиш практикасини. ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш тажрибасини мумкин қадар кўпроқ самара берадиган қилиб ривожлантириш жуда муҳимдир.

Олий таълимни қайта қуриш миқёслари ва суръатлари унда студентларнинг онгли равишда ва ташаббускорлик билан иштирок этишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Студентларнинг ўзларини ўзлари бошқаришларини фаол ривожлантирмоқ лозим. Ректорат, партия комитети, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бўлажак мутахассисларнинг ўқиш, дам олишни ташкил этишдаги мустақилликларини кун сайин қўллаб-қувватлашлари ва мустаҳкамлашлари, тарбия масалаларини, маъмурий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш чоғида студентларнинг коллектив фикрини ҳисобга олишлари керак.

Учрашувда студентлар орасида миллатлараро муносабатларнинг юксак маданиятини шакллантириш, миллий маданиятни ривожлантириш, тарихий ўтмишни ёритиш муаммоларига аниқ синфий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Аммо баъзи бировлар кўпроқ шов-шув кўтаришни, эҳтиросларни авж олдиришни афзал кўрмоқдалар. Бундай йўл олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатларга олиб бориши мумкин.

Бундай кайфиятга Ўзбекистоннинг кенг жамоатчилиги, меҳнаткашлари қўшилмаяптилар, улар қуруқ сафсатани республика партия ташкилотининг, барча соғлом кучларнинг конкрет, бунёдкорлик куч-ғайратларидан аниқ фарқ қилмоқдалар.

Р. Н. Нишонов учрашув қатнашчиларининг кўпданкўп саволларига жавоб қайтарди. У Тошкент давлат университети студентларининг ўқиш ва турмуш шароитлари билан танишди, янги ўқув корпусларини кўздан кечирди, лабораторияларда бўлди, ётоқхоналар ва ошхоналарни бориб кўрди. Химия факультети лабораторияларида одамлар сиҳат-саломатлиги учун хавфсиз янги дефолиантлар, сариқ касалига қарши ишлатиладиган дорилар яратиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Олимлар билан суҳбатда аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга, экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган мавзуларни ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор бериш истаги айтилди. Студентлар умумий билим эмас, балки амалий фаолиятда уларга ёрдам берадиган конкрет билим олишлари керак.

Студентларнинг маиший шароитларини яхшилашга жиддий эътибор берилди. Ўтган йили олий ўқув юртлари шаҳарчасида иккита замонавий ётоқхона фойдаланишга топширилди, яна тўртта ётоқхона қуриш режалаштирилмоқда. Сўнгги вақтда ошхоналарда тайёрланаётган таомларнинг хили анча кўпайди ва сифати яхшиланди. Студентлар ва ўқитувчилар билан суҳбат чоғида университетнинг партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари социал масалалар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишлари лозимлиги таъкидланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов — Тошкент қишлоқ хўжалик институти коллективи билан, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи билан учрашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка — кандидатлар: В. П. Анишчев — Тошкент политехника институти, Д. Д. Берков — Тошкент халқ хўжалиги институти, П. В. Догонкин— Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти, Ш. З. Камолхўжаев — Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти, М. М. Мирқосимов — Ангрен педагогика институти, В. И. Огарок — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти. Ҳ. А. Алимова — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, И. Ҳ. Жўрабеков — Тошкент фармацевтика институти, А. С. Ефимов — Тошкент электротехника алоқа институти, Б. Ф. Сатин — Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институти коллективлари билан учрашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский Тошкент медицина институти коллективи билан учрашди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари: П. М. Абдураҳмонов — Тошкент театр-рассомчилик институтида, А. Р. Отажонов —Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев — Тошкент қурилиш техникумида, В. В. Судаpенков — Тошкент электротехника алоқа институтида, С. У. Султонова — республика рус тили ва адабиёти институтида бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлари: Ш. С. Зиёмов — Қарши педагогика институтида, Ш. Р. Мирсаидов — гидрогеология техникумида, А. Ҳ. Тошкентбоев — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида, В. Д. Великанов— Тошкент юридик техникумида, Қ. Т. Тоиров — Н. К. Крупская номли Тошкент педагогика билим юртида, Р. Ҳ. Абдуллаев — В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юртида учрашув ўтказдилар.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбарлари билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбатлашди. Суҳбатда республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов, правление секретарлари Н. Гацунаев, Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Малик, М. Маҳмудов қатнашдилар.

Ёзувчилар союзи правлениесининг бўлиб ўтган пленуми якунлари, пленумда қабул қилинган қарорларни бажариш, ижодий союз фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ баъзи аниқ-равшан масалалар муҳокама қилинди. Экономика, социал ва маънавий турмушнинг ҳамма соҳаларини қайта қуришда, ҳозирги пайтда республика олдида турган кўпгина ўткир муаммоларни ҳал этишда ёзувчилар ташкилоти фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Экология вазиятини соғломлаштириш, одамлар онгига социалистик ютуқлар ва идеалларни сингдириш, совет халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, кўпмиллатли буюк Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини ошириш учун курашда ёзувчиларнинг ўрни ва имкониятлари қайд этиб ўтилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашдилар. **(ЎзТАГ).**

## ХИЗМАТ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

**15 апрель куни Тошкентда республика партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитетининг «Навбат кутиб қолишни бартараф этиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда тартиб ўрнатиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.**

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажнев, Чирчиқ шаҳар савдо идораси партия комитетининг секретари А. А. Шанина, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси С. Д. Ниётуллаев, Хоразм область ижроия комитетининг раиси К. Ҳ. Ҳалимбетов, «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси О. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР савдо министрининг биринчи ўринбосари К. Н. Комилова, Денов шаҳар матлубот жамиятининг раиси Х. Бўронов, Андижон область ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи М. А. Абдувалиева, Узсовпроф секретари А. Г. Руденко, Фарғона область матлубот союзининг раиси А. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Г. Агеев, Наманган область «Обувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективи кенгашининг раиси К. К. Юнусов, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. И. Бугров қатнашдилар.

Йиғилиш резолюция қабул қилди, у матбуотда эълон қилинади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар П. В. Догонкин, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, Ҳ. А. Алимова, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари П. М. Абдураҳмонов, А. Р. Отажонов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Судаpенков, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТБИЛИСИ, 14 апрель. (ТАСС). Бугун Грузия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум Д. И. Патиашвилини унинг илтимосига кўра Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Илгари Грузия Компартияси Тбилиси шаҳар комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган, сўнгги вақтда эса Грузия ССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси бўлган Г. Г. Гумбаридзе Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленум О. Е. Черкезиянинг уни Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этиш ҳақидаги аризасини маълумот учун қабул қилди, бунда ана шу ариза Грузия ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиши назарда тутилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади. Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский қатнашди.

* * *

Грузия ССР Олий Совети Президиуми З. А. Чхеидзени унинг илтимосига кўра, республика Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилди.

Грузия ССР Олий Совети Президиуми Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаган Н. А. Читанавани республика Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлади.

## ҚИЗИЛ ШАНБАЛИККА ТАРАДДУД

**ТОШКЕНТНИНГ Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларининг 1989 йилнинг 22 апрелида В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусларини область меҳнаткашлари кенг қўллаб-қувватламоқдалар.**

**Шаҳар ва районлардаги барча саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, алоқа бўлимлари ва муассасалар коллективларида бўлиб ўтаётган митинглар ҳамда йиғилишларда коммунистик шанбалик кунида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ҳақида мажбуриятлар қабул қилишяпти.**

**Шунинг учун ҳам коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун область штаби ташкил этилди.**

**Областнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам ана шундай штаблар тузилди. Улар пойтахтнинг илғор корхоналари ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ишчи ва хизматчиларни коммунистик шанбаликка кенг жалб қилиш учун ташкилий ва оммавий-сиёсий иш олиб борадилар.**

* * *

**Тошкентдаги «Технолог» бирлашмасининг шанбалик штабида бу ерда қилинадиган ишлар плани аниқлаб олинаяпти. Дастлабки маълумотларга қараганда, 22 апрель куни 3,5 мингдан зиёд киши ишга чиқади. 17 минг сўмлик асосий маҳсулот — станоклар ва асбоб-ускуналар, 2 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Қандай деталлар ишлаб чиқарилиши, хом ашё, комплектловчи деталлар ва узеллар билан таъминлаш масалалари аниқланаяпти.**

## ХУШХАБАРЛАР

**● ОЛМАЛИҚ рўзғор химияси заводининг меҳнаткашлари шу йилдан хўжалик юритишнинг иккинчи андозасини ўзлаштириб олдилар. Лекин улар буни чегара деб билишмаяпти. Молиявий аҳволини мустаҳкамлаб, ўз ҳисобига бир неча миллион сўм ўтказган коллектив июль ойидан бошлаб заводни ижарага олишга қарор қилди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу йўл меҳнат унумдорлигини тўртдан бир баравар ошириш мумкинлигини кўрсатди. Маҳсулот турларини янгилаш ҳам анча тезлашади.**

**● ЯХШИ ишласанг — кўпроқ ҳақ оласан. Ўзбекистон металлургия заводининг 1-пўлат қуюв цехидан қуйилмаларни лаборатория текширувига ўз вақтида жўнатиш кўп йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган эди. Ана шу муаммо шоферлар билан тузилган шартнома туфайли ҳал этилди. «ЗИЛ» машиналарида ишлаётган тўрт ҳайдовчи битимда кўзда тутилган шартларни минут-минутида аниқлик билан бажармоқда. Металлурглар бунинг натижасида шикоятлардан қутилишга муваффақ бўлишди, истеъмолчиларга топшириқдан ташқари минг тоннадан кўпроқ заготовка жўнатишга улгуришмоқда. Шоферларнинг иш ҳақи ҳам кўпайди: улар маошларига қўшимча ўттиз фоиз ҳақ олишмоқда.**

(ЎзТАГ).

## ЖАДАЛ ҚУРИШЯПТИ

● Республикамиз пойтахтининг Сергели массивида янги уй-жойлар қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу ерда ишларнинг асосий оғирлиги биринчи уйсозлик комбинати, ҳажмли блок экспериментал уйсозлик комбинати коллективлари зиммасига тушмоқда. Улар биноларни ҳар қачонгидан ҳам жадал қуришяпти. Ҳозир бу ерда ҳар йили 80 минг квадрат метрга яқин саҳнли уй-жойлар меҳнаткашлар оилаларига совға қилинмоқда. Суратларда: 8-Сергели массиви қурилишида. (ўнгда); комплекс монтажчилар бригадаси раҳбари Г. Халнулин ҳамкасб дўстлари Р. Рашидов (чапда) ва пайвандловчи Г. Ламбрехт билан ўзаро суҳбатда.

А. Кошкин фотоси. (ЎзТАГ).





● *Савдо қоидалари бузилмасин!*

## ЖАЗО ЙЎҚ ЭКАН, ЖИНОЯТ КАМАЙМАЙДИ

ДЕМОКРАТИЯНИНГ барқарорлиги, ошкораликнинг борлиги яхши. Нега деганда, кўрган-билганларингизни рўй-рост айта оласиз. Айтишяпти ҳам. Редакцияга келаётган хатларнинг ярмидан кўпи эътироз ва шикоятлардан иборат, десак муболаға бўлмайди. Озиқ-овқат, уй-жой, газ, ичимлик сув таъминоти, савдо, медицина, транспорт, маданий-маиший хизмат соҳасидаги тўрачилик, чидаб бўлмас даражадаги аҳвол ҳақида тинимсиз ёзишяпти.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб қўйиш керак. Хат муаллифлари тўғридан-тўғри редакцияга ёзаётганлари йўқ. Аввал қуйидан бошлаб ҳамма мутасадди ташкилотларга мурожаат қилмоқдалар. Қайта-қайта қилган илтимослари ерда қолиб, сазалари ўлгач, редакциялардан ёрдам изламоқдалар. Деярли ҳамма шикоят хатларининг «охирги умидимиз сизлардан» деган мазмунда якунланиши шундан.

Савдо пештахталарининг ҳар икки томонидаги, умумий овқатланиш заллари билан ошхоналардаги бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиладиган ажабтовур ҳангомалар ҳақидаги хатларнинг, айниқса, кети узилмайди. Жумладан, бундай мазмундаги хатлар Оҳангарон шаҳридан кўп келади, қайси магазин, қайси ошхонада харидорлар ҳақига хиёнат қилиш авж олганлиги аниқ кўрсатилади. Одатда бундай фактлар юз фоиз бўлмасада- аксарият кўпчилиги тўғри бўлиб чиқади, текширувлар пайтида тасдиқланади. Шунга қарамай, у ёки бу савдо ходимини хат муаллифининг даъвоси билан айбдорга чиқараверишш ўринсиздир. Фактлар ҳар сафар, албатта қайта текширилиши ва унинг якунига қараб хулоса чиқарилиши керак.

Чунончи, Оҳангарон шаҳридаги магазин ва ошхоналарда қонуний арақ савдоси қонунсиз арақфурушликка айлантириб юборилганлиги ҳақидаги хатни биз ана шу принципга асосланган ҳолда текшириб кўришга қарор қилдик ва биринчи қадамдаёқ хат муаллифи ҳақ эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Масалан, «Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилар таъминоти бўлимига қарашли арақ-вино сотишга ихтисослашган магазинини, аввало, магазин дейиш қийин. Чунки, ҳамма магазинларда бўладиган пештахтанинг ўзи йўқ бу ерда. Сотувчи магазинга кириладиган эшик орқали савдо қилар экан. Магазиндаги санитария аҳволига қараб бўлмайди. Ҳамма ёқни бўш идиш босиб кетган. Бу ерда ишлаш учун умуман ҳеч қандай шароит йўқ. Шунинг учун бўлса керак, сотувчи Х. Халилов медицина кўригидан ўтмай, қонунга хилоф равишда ишлаяпти.

Лекин асосий касал — сотувчининг қўли эгрилиги. У нархи 9 сўм 10 тийинлик арақни пинак бузмай, нақд 10 сўмдан пуллаяпти. Ҳа, сотаётгани йўқ, айнан пуллаяпти. Ахир бир шиша арақдан 90 тийиндан олиб қолаётгани мақсади пул топиш эканлигини билдирмайдими?! Хатда ҳам «арақфурушлик» дея таъриф берилиши бизнингча, жуда тўғри.

Оҳангарон умумий овқатланиш комбинатига қарашли «София» ресторанига кирган ҳар қандай тажрибали текширувчи ҳам дастлаб бу ерда нималар бўлаётганлигини тушунмай, довдираб қолиши мумкин. Кимнинг нима қилаётганлигини билиб бўлмайди. Ресторан пазандаси арақ сотаяпти, ошхонани тозалайдиган ишчи Х. Қулиева эса унинг ўрнига овқат тарқатаяпти. Қойил қилсалар-ку, майли-я, лекин...

Умуман, қойил қилишяпти, бироқ хўрандаларнинг эмас, ўзларининг фойдаларига. Қаранг, Х. Эшчонова хўрандага бир шиша арақ бериб 11 сўм 70 тийин (устама нархи бор) ўрнига 15 сўм олди. Ҳар бир шишадан 3 сўм 30 тийиндан қолиб турса... Келинг, «буфетчи»нинг пулини ҳисоблаб ўтирмайлик-да, нега энди ошпаз овқат пишириш ўрнига арақ сотаётганини аниқлайлик. Х. Эшчонова: «Буфетчимиз С. Имомназаров 15 сўмдан сотиб тургин, деб ташлаб кетувди» дейди, С. Имомназаров: «Бу бўлмаган гап, ундай демаганман» дейди. Ошпазнинг қўлида сотган арағига тегишли ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Хуллас, ким ҳақ, ким ноҳақ — ўзларининг виждонларига ҳавола. Ҳар ҳолда икковлари ҳам анойилардан бўлишмаса керак.

Бу ёқда арақ кимники-ю, унинг ҳужжати қаерда эканлиги аниқлангунча, у ёқда ошхона ишчиси Ҳ. Қулиева сотган овқатдан ҳам «тош чиқиб қолди». Қаранг, у хўрандага 5 та манти бериб 51 тийин пулини уриб қолипти. Балки янглишгандир? Бўлиши мумкин, бироқ савдо ходимларининг нуқул ўз фойдаларига янглишишлари қизиқ. Дарвоқе, Ҳ. Қулиева савдо ходими эмас, оддий ишчи-ку? Аммо ходимлар ишига аралашиб юриб, «ҳунар» ўрганган бўлса ажаб эмас.

Биз шаҳар савдо идорасига қарашли 17-магазиннинг (мудири З. Кодзаева) спиртли ичимликлар бўлими сотувчиси А. Миноваровнинг арақ-винони қанчадан пуллаётганлигини, афсуски, аниқлай олмадик. Чунки, магазин пештахтасида умуман арақ йўқ экан. Йўқ нарсани сотиб олиб бўлармиди? Лекин пештахта ортида ҳозирги замонавий тўйлардан бемалол ўнтасини ўтказса бўладиган арақ топилди. Шундан 27 шишаси шундоққина пештахта остида турибди. Магазин омбори текшириб кўрилганда яна 327 шиша арақ чиқди. Шунча арақ нима мақсадда яшириб қўйилган? Қўлга тушмаган ўғри эмас-ку, бироқ А. Миноваров бу яшчик-яшчик арақларни атайлаб кўздан қочириб, харидорларни бироз ялинтириб сўнгра оширилган нархда сотмаётганлигига ким кафолат беради? Акс ҳолда пештахтани бўш қўйиб, магазинни очиб ўтиришдан мақсад нима?

Хуллас, оҳангаронликларнинг куйиниб ёзишларича бор. Текширув пайтида улар келтирган фактлар деярли юз фоиз тасдиқланди. Ҳар бир савдо ходими учун қилмишига яраша жазо ҳам белгиланди. Чунончи, область савдо инспекциясининг хулосаси шундай: харидорлар ҳақига хиёнат қилганликлари учун 26-магазин сотувчиси Х. Халиловнинг, «София» ресторани пазандаси Х. Эшчонова билан ошхона ишчиси Ҳ. Қулиеваларнинг иши тергов органларига оширилиши ва улар жиноий жавобгарликка тортилишлари керак. Бу район ички ишлар бўлимининг бевосита бурчи. Оҳангарон савдо идораси арақни яшириб қўйганлиги учун 17-магазин сотувчиси А. Миноваровни ишдан бўшатиши, магазин мудири З. Кодзаевага қатъий ҳайфсан эълон қилиши лозим. «София» ресторани директори А. Рисқулов ва буфетчи С. Имомназаровлар ҳам ишдан бўшатилишлари зарур.

Хўш, амалда нима бўлди? Афсуски, ҳеч нарса. Инспекциянинг хулосасидан сўнг, мана орадан қарийб бир ойча вақт ўтди. Аммо айбдорларга нисбатан қандай жазо чоралари кўрилганлиги ҳақида Оҳангарон шаҳар савдо идорасидан ҳалигача жавоб йўқ. Тўғри, ушбу мақола эълон қилиниши арафасида битта жавоб олинди. Лекин уни жавоб деса бўлармикин. Чунки А. Рисқулов билан С. Имомназаровларни ишдан олиш ўрнига, бирига ҳайфсан, иккинчисига қатъий ҳайфсан берилибди, холос. Ҳайфсанлар шундай жазоки, ярим йил, бир йил муддатда бекор қилиниб, айбдор яна оппоқ бўлиб қолаверади, «иши»ни давом эттираверади. Демак, ҳайфсан жазодан кўра, кўпроқ ҳимоя воситасига ўхшаб кетади. Жазо йўқ жойда эса, жиноят давом этаверади.

**И. ИСРОИЛХЎЖАЕВ,**
**область бош давлат савдо инспектори.**
**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

● *Область Совети ижроия комитетида*

## ҲАММА ФАОЛ ҚАТНАШСИН

ОБЛАСТДАГИ қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари ўртасида маҳаллий Советларнинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш юзасидан ўзаро социалистик мусобақа йўлга қўйилганидан сўнг жойларда бошқарув ишлари анча жонланди. Ишни ташкил этиш формалари такомиллашди, мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиш яхшиланди. Маҳаллий Советлар ўз территорияларининг социал-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожланишини таъминлаш ҳамда аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини хўжалик органлари билан биргаликда бамаслаҳат ҳал этишни одат қилмоқдалар.

Янгийўл шаҳар, Паркент ва Пискент районлари Советлари ижроия комитетлари, шу шаҳар ва районларнинг давлат муассасалари ходимлари касаба союз комитетлари қишлоқ ва посёлка Советлари ўртасидаги социалистик мусобақани уюштиришга масъулият билан ёндошдилар. Кўпгина қишлоқ Советлари 1988 йилги халқ хўжалик планларининг асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилишини таъминладилар ва мусобақа шартларини муваффақиятли уддаладилар. Социал соҳаларни ривожлантириш амалий ҳал қилина бошлади. Ободонлаштириш, социал-маданий ва маиший объектларни қуриб фойдаланишга топшириш ишлари изга тушди, доимий комиссиялар, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг иши активлашди. Бюджетнинг даромад бўйича ҳам, харажатлар бўйича ҳам ижроси таъминланди.

Область Совети ижроия комитети қишлоқ ва посёлка Советлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1988 йилги якунларини чиқариб, ғолибларни аниқлади. Янгийўл шаҳрининг қишлоқ зонасидаги Куйбишев қишлоқ Совети ижроия комитети (раиси Э. Мирзараҳматов) биринчи даражали диплом, 1000 сўм пул ва битта имтиёзли туристик йўлланма билан мукофотланди. Иккинчи даражали диплом, 700 сўм пул мукофоти ва битта имтиёзли туристик йўлланма Пискент районидаги Оқтепа қишлоқ Совети ижроия комитетига (раиси У. Акромов) бериладиган бўлди. Паркент районидаги Заркент қишлоқ Совети ижроия комитети (раиси М. Аъзамова) учинчи даражали диплом, 500 сўм пул мукофоти ва битта имтиёзли туристик йўлланма билан тақдирланди.

Куйбишев ҳамда Оқтепа қишлоқ Советлари ижроия комитетларига ижроком ходимларига сотиш учун биттадан «Жигули» енгил автомашинаси ажратилади.

Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига, давлат муассасалари ходимлари касаба союз комитетларига қишлоқ ва посёлка Советлари ўртасида социалистик мусобақани янада авж олдириш учун ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, ишни ташкил этиш формаларини такомиллаштиришни мусобақанинг муҳим шартларидан бирига айлантириш вазифаси топширилди.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

## МОЗАМБИККА ЁРДАМ БЕРИШГА ЧАҚИРДИ

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр халқаро ҳамжамиятни Мозамбик мамлакатига ёрдам беришга чақирди. Исёнчиларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек, табиий офатлар натижасида бу мамлакат экономикасига путур етган эди.

У БМТ қароргоҳида бўлган махсус кенгаш қатнашчиларига мурожаат қилиб, мазкур мамлакатдаги аҳвол барқарорлашиши, аҳолининг, шунингдек «Мозамбик миллий қаршилиги» қуролли гуруҳлари терроридан ва очликдан қутулиш мақсадида ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқларнинг жуда катта эҳтиёжларини қондириш учун 380 миллион доллардан кўпроқ пул керак бўлади, деб айтди.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан Мозамбик Халқ Республикаси Бош министри Мариу да Граса Машунгу газандаларнинг хатти-ҳаракатлари ташқаридан, жумладан ЖАР территориясидан қўллаб-қувватланаётганлигини уқтирди. Террорчилар уйларни вайрон қилишмоқда, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, кийим-кечак етказиб бераётган автомобилларга ҳужум қилишмоқда.

(ТАСС).

## ЯНА СПИД ҲАҚИДА

● ЖЕНЕВА. Европа мамлакатларида расмий рўйхатга олинган СПИД касаллигига йўлиққан кишилар сони ўтган йили 87 фоиз кўпайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шуни маълум қилди.

Унинг маълумотларига кўра, 1988 йил декабрь ойида Европада 19.058 киши СПИД касаллигига йўлиққан. Бу бир йил олдинги кўрсаткичдан 8 минг 877 киши кўп демакдир. Швейцария 1 миллион аҳоли ҳисобига 106,4 киши, Франция (101,6) ва Дания (70,2) ана шу ажал келтирувчи касаллик энг кўп тарқалган мамлакатлар ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти социалистик мамлакатларда бу соҳада аҳвол анча яхши эканлигини қайд этди — социалистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам СПИД билан оғриш миллион аҳоли ҳисобига уч кишидан ошмайди. Европадаги 31 мамлакатда ўтказилган тадқиқотлар асосида ташкилот экспертлари, қон томирига қорадори юбориш билан шуғулланаётган бангилар ўртасида СПИД касаллиги жинсий алоқалар йўли билан тарқалишига нисбатан тезроқ кўпаймоқда, деган хулосага келдилар.

## ИРСИЯТИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ПАХТА НАВИ

● ВАШИНГТОН. АҚШ қишлоқ хўжалик министрлиги ирсияти ўзгартирилган пахта навини дала шароитида илк бор синаб кўришга рухсат берди. Бу пахта навини ўсимликка «бегона» ирсиятни юборган «Агроцетас» компаниясининг мутахассислари яратишган. Натижада ўсимликнинг ўзида ҳашаротларнинг баъзи турлари учун заҳарли модда пайдо бўлади, лекин у одамлар учун зарарли эмас.

«Агроцетас» компанияси Миссисипи штатидаги Старквилл шаҳри районида пахта янги навини синаш учун тезда ишга киришиш ниятида. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалик министрлигининг чорвачилик ва деҳқончилик инспекцияси хизмати дала синовлари ўтказиш тартибини олдиндан ўрганиб чиққан эди. Ана шу хизмат раҳбари Жеймс Глосcернинг сўзларига қараганда, синов программаси «пухта ўйланган ва экологик жиҳатдан хавфсиздир». Ирсияти ўзгарган пахта навларини етиштириш далаларга ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий моддалар билан ишлов бериш керак бўлмаганлиги сабабли катта фойда келтириши мумкин.

**Австрия парламентининг доимий бетарафлик тўғрисидаги қонуни ва 1955 йилда қабул қилган давлат шартномаси мамлакатни тўла миллий қарамликдан халос этди. Шунингдек Австрия давлати учун халқаро масалаларда актив иштирок этишга катта имкониятлар яратилди. Суратда: Венадаги «Австрия» конгресслар маркази ва «БМТ шаҳарчаси» биносини кўриб турибсиз.**

А. Рухадзе фотоси. ТАСС фотохроникаси.




*БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР* ●

## БЎЛАЙЛИК

...чон етган. Ҳаттоки мактабларнинг олий маълумотли ўзбек муаллимлари ҳам, кўпинча, рус тилида равон гаплаша олмайдилар, ўз фикрларини баён қилиб беролмайдилар. Улар рус тилидаги мактабга оид кўплаб илмий-методик адабиётни ўқишдан, уларни ўз фаолиятларида ишлатишдан бебаҳра бўлиб қоляптилар.

Илм-фан тараққий этган ҳозирги даврда рус тилини билишнинг ўзи кифоя эмас. Чет тилларни ҳам яхши билишни даврнинг ўзи тақозо этаяпти. Чет эл олимларининг мақола, рисолаларини ўқиш, халқаро анжуманларда қатнашиш, хорижий олимлар, мутахассислар билан мулоқотда бўлишда тил билмаслик туфайли четда қолиб кетмаслигимиз керак. Д. И. Писарев ёзади: «Чет тилларни ўрганиш ҳар қандай шароитда ҳам ақлни пешлайди, бошқаларнинг мушоҳада оламига кириб бориш имкони ва нафосатини англатади».

Ҳозир кўпчилик мактабларимизда чет тили номигагина ўтилади, десак, хато қилмаймиз, ҳаттоки баъзи битирганларнинг етуклик аттестатларида чет тилидан баҳо ҳам йўқ. Ўзбекча мактабни битирган исталган йигит-қиз билан ўзи мактабда ўрганган хорижий тилда бироз суҳбат қилибоқ, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Ваҳоланки бу ишга давлатимизнинг жуда катта маблағи сарф бўляпти. Масаланинг бу томони ҳам жиддий таҳлилни талаб қилади.

Тил муаммоси ҳақида гап борганда, кўпинча, тилнинг софлигини сақлашимиз керак, соф ўзбек тилида гаплашишимиз, ёзишимиз керак, деган гапларни эшитасиз. И. С. Тургенев ёзади: «Тилимизнинг софлигини муқаддас билиб сақланг! Ҳеч қачон чет сўзларни ишлатманг. Рус тили шу қадар бой ва ўткирки, бизга қараганда камбағал тиллардан ҳеч бир нарса олишга ҳожат йўқ». Шу гапларни бошқа кўпчилик тилга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мамлакатлар, халқлар орасида борди-келди, илмий-маданий алоқалар, туристик саёҳатлар кенг ривожланяпти. Ҳозир кишиларнинг бир ердан иккинчи жойга бориши осонлашган, ҳозир кишилар бир жойга «боғланиб» қолишмаган. Хоҳланг, хоҳламанг, бошқа халқлар тилидан у ёки бу сўз, иборалар тилимизга киради. Тиллар ўз ривожланиши жараёнида бир-бири билан алоқада бўлади, бир-бирига таъсир этади. Ўзбек тили хонадонда, бозор-ўчарда ишлатиладиган тилга айланиб қолмаслиги керак, уни бойитиш, ривожлантириш, ундаги жило, нафислик, имконлардан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, К. Г. Паустовский айтганидек, «ўз тилига муносабатига қараб туриб, ҳар бир одамнинг маданий даражасинигина эмас, балки унинг гражданлик қадр-қимматини ҳам аниқ айтиб берса бўлади... Ўз Ватанингга бўлган чинакам муҳаббатингни ўз тилингга бўлган муҳаббатингсиз тасаввур этиш мумкин эмас».

Ўрта мактаблар учун ўзбекча математик терминология яхши даражада яратилган ва ишлатиляпти, дейиш мумкин. Математик терминологияни бунёд этиш, уни амалда қўллаш, синаш, ниҳоятда мушкул ва чидам, доимий изланиш талаб этадиган иш. Қори Ниёзий томонидан ташкил этилган биринчи ўзбек совет мактабларининг 70 йиллигида биз бунга эришдик, холос. Аммо мактаблар учун ўзбекча математик лексика (тил) иборалар ҳали маромига, қиёмига етмаган, яхши «чархланмаган», силлиқланмаган. Ўқувчиларимизнинг риёзий билимлари пастлигининг сабабларидан бири ҳам худди мана шунда, чунки тил ва тафаккур доимо диалектик бирликда бўлади.

Ўзбек тилини бойитиш, ривожлантириш йўлларидан бири — фикримча, рус тилидаги дарсликлар таржимаси билан бирга, ўзбек авторларининг ҳам мос дарсликларини ёзишдир. Ҳозирги аҳвол шундай: ўзбек тили ва адабиёти, баъзан чет тилидан бошқа ҳамма предметлар бўйича мактаб дарсликлари рус тилида ёзилади, сўнгра ўзбекчага таржима қилинади ва худди шу таржима билан бошқа дарслик бўлмагани учун ишлашга мажбурмиз. Бу дарсликлар шу ернинг шароитига мосми, йўқми, бола тушунадими — йўқми — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу эса баъзи ҳолларда кулгили ҳолатларга олиб келмоқдаки, у муаллимларимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, мактабларимизга киритилган янги предмет — «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» предметини болаларимиз Т. М. Афанасьеванинг ўзбекчага ағдарилган «Оила» китоби асосида ўрганишади. Аммо бу китоб ўзбек хонадонидаги, ўзбек оиласидаги ҳаёт этикаси ва психологиясига, руҳга тўғри келмайди, мос эмас. Ҳар бир халқнинг оила этикаси бўйича асрлар давомида шаклланган ўз қарашлари, урф-одатлари борки, уларни олиб ташлаб, бошқа халқ оиласига мансуб одатларни «тиқиштириб» бўлмайди. Авторларимиз эса ўзбек оиласи этикаси ва психологиясига мос келадиган дарслик, қўлланмалар ёзишни пайсалга солмоқдалар. Халқ таълими министрлигидаги ўртоқлар бундай китоб ёзишни ташкил қилишни жиддийроқ ўйлаб кўрсалар тўғри бўларди.

Олий мактаб математика тили ўртачадан ҳам паст ривожланишда. Бизлар ҳам — худди Тошкент медицина институти ўзбек студентлари медицинага оид дарсларни рус тилида эшитишгандек (қишлоқдан келган ўзбек буни тушунадими, йўқми — бунинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ!) — III—IV курсдан бошлаб математикага оид махсус курс, махсус семинарларни рус тилида олиб боришни иш шароитининг ўзи тақозо қиляпти, чунки аксарият кафедраларда 10—12 студент бўлиб, уларни ҳам икки группага — рус ва ўзбек группаларига ажратсак, ҳар бирида камсонли студент бўлиб, уларга алоҳида дарс ўтиш давлатга ҳам қимматга тушиб кетади, иккинчидан, махсус курсларнинг ўзбекча математик тили деярли ишланмагани учун ўзбек муаллимлари ҳам рус тилида лекция ўқишни афзал кўряптилар. Натижада олий мактабга хос ўзбек математик тили маълум даражагача ривожланиб, сўнг қотиб қоляпти. Бу фақат риёзиёт фанига эмас, бошқа табиий фанларга ҳам тааллуқлидир. Биз илмий лексикани янада ривожлантиришимиз, русча илмий атама, ибораларга мос ўзбекча аниқ атама ва ибораларни топишимиз керак, ўзбек илмий тилини янада бойитиш, равонлантириш, «чархлаш» лозим, зеро тил ва тафаккур бир-бири билан боғлиқ ва тил бойлиги тафаккур бойлигини билдиради.

Ерли халқ тилини билиш билан бирга, унинг маданиятидан бохабар бўлиш, қадимий урф-одатларини ҳурмат қилиш шу ерда яшаётган бошқа миллат вакилларининг бурчи, қолаверса, уларни ўзларининг маданиятлилиги, одамийлиги, интернационалистлиги даражасининг ўлчовларидан бири, деб биламан. Бу борада ҳам талай ишлар қилишимиз керак. Жумладан, маданиятимиз тарихидан очерклар, классик ёзувчи, шоирларимиз, алломаларимиз ҳаёти, илмий фаолиятидан лавҳалар чоп эта бориш лозим кўринади. Ўзбек олим ва ёзувчилари, ижодий зиёлилари, илғор ишчилари билан, одатда, ўзбек аудиторияси учрашувларини ташкил қиламиз. Нега энди фақат шундай бўлиши керак? Уларни ўзбек бўлмаган аудитория билан ҳам суҳбатларини ташкил қилиш, ўзбек бўлмаган интеллигенциянинг ўзбек аудиторияси билан учрашувлари, мулоқотлари ҳам долзарб масаладир. Оммавий ахборот воситаларидан бу ишда кенг фойдаланиш лозим... Кўнглимдаги шу фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашар эканман, ҳамон кўз олдимдан жажжи Коленьканинг икки қўлини кўксига қўйиб саломлашгани кетмасди...

**Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,**
**физика-математика фанлари кандидати, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

